

ТОПШИРИҚ ИЖРОСИ: ИЧКИ ЙЎЛЛАР ТОШЛАНМОҚДА



Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов топшириғига асосан вилоят бўйича 56 та маҳаллаларда тошлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу жумладан Қумқўрғон туманининг “Тўда”, “Саховат”, “Арпапоя”, “Тайфанг” маҳаллаларида тупроқ кўчаларга шағал-тош ётқизиш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу маҳаллаларнинг жами 52 км 600 метр масофасига шағал-тош ётқизиш ишлари режалаштирилган.

Хозирда “Тўда” маҳалласи ички кўчаларининг 17 км 500 метр масофасида шағал-тош ётқизиш ишлари тўлиқ бажарилди. Қолган маҳаллаларнинг ички кўчаларида ҳам топшириққа асосан тошлаш ишлари давом этмоқда.